

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

No6 [104], 2024



PAXTACHILIK

Ё.ШЕРМАТОВ, М.НАСИРОВА, З.СУЛТАНОВНА, Х.МИРЗАЕВА. Ёўза баргидаги кимёвий элементларнинг ўсимлик ҳосилдорлигига таъсири 3

G'ALLACHILIK

Х.РУСТАМ, Д.МУСИРМАНОВ. Назорат нав синаш кўчатзориди нўхат нав ва тизмаларнинг ўсув даври давомийлиги, ҳосилдорлиги ва дон сифат кўрсаткичлари 5

А.АБДУАЗИМОВ, С.ХОДИЕВА. Соя навларини турли усулларда озиклантиришнинг қўшимча ҳосил шаклланишига таъсири 8

Д.МУСИРМАНОВ, Ш.МАМАНАЗАРОВА. Глобал иқлим ўзгариши шароитида тритикаленинг эртапишар манбаларини танлаш 10

MEVA-SABZAVOTCHILIK

Р.НОРМАХМАТОВ, А.ГАФУРОВ, С.БОЗОРБОЕВ, И.БОЛИЕВА. К вопросу химического состава и использование виноградных усиков в пищу 12

А.АЗИЗОВА. Экиш муддати, схемаси ва ўғитлаш меъёрларининг ерэнгоқ дон ҳосилдорлигига таъсири 13

O'SIMLIKLAR HIMOYASI

Н.ХАЙТБАЙЕВА. Bug'doy va sholining fuzarioz kasalligiga qarshi mikrobiologik himoyalash usullari ... 15

О.НОРМУРАТОВ, F.ИМАМОВ, M.ФОЗИЛОВА. Taqir-o'tloqi tuproqlari sharoitida pomidor yetishtirishda mineral o'g'itlarning samaradorligi ... 17

M.TURSUNBOYEVA. Shirinmiya (*Glycyrrhiza glabra* L.) o'simligidan olingan ekstraktlarning mikroorganizmlarga ta'siri 19

Н.ЁДГОРОВ, М.ҚҮЙЛИЕВА. Турли экиш тизимлари ва усулларининг батат экини ўсиши ва ривожланишига таъсири 21

O'SIMLIKSHUNOSLIK

Ж.ТЕМИРОВ, Н.ҚАХХОРОВ. Маҳаллий янтоқ навларини in-vitro лаборатория шароитида кўпайтириш бўйича дастлабки тажриба натижалари 23

А.ЮНУСОВ. Тупроқ агрегат таркибига амарант ўсимлиги экиш муддатлари ва кўчатлар сони боғлиқми? 25

R.RUZIYEV, F.BAHRIDDINOV, K.XAYDAROV. Yashil ozuqa va somonni siloslash texnologiyasi ... 27

CHORVACHILIK

R.RUZIYEV, F.BAHRIDDINOV, K.XAYDAROV, M.TURG'UNOV. Shvis zotli turli tana tuzulishdagi buqachalarning davrlar kesimida o'sishi dinamikasi .. 29

З.ЭГАМБЕРДИЕВА, М.НАРБАЕВА, Ш.ГАППАРОВ, Ч.САДИКОВА. Голштин зотли сигирларда лактациянинг кечиш хусусиятлари ... 31

А.БАЗАРБАЕВА, Т.ТАЙЛАКОВ. Қорамолларнинг парамфистаматозларга қарши антгельминтикларнинг самарадорлигини аниқлаш 34

D.ABDUZOIROVA. "Nurota" zavod tipiga xos naslli qo'chqorlarni avlodlarining sifatiga qarab baholash ... 36

Б.МАМАТОВ. Сур рангли қорақўл терилар гул ўлчамининг ранг кўрсаткичларига таъсири 37

Д.АКНАЗАРОВ. Турли зот ва зотдорликдаги қўзиларнинг гематологик кўрсаткичлари 39

Т.НАУРЫЗОВ, Ф.КАНИЯЗОВА. Тажрибадаги улоқларнинг экстерьер кўрсаткичларини ўрганиш .. 40

Д.УСМОНОВА, Д.БОЗОРОВА, М.ЮЛДАШОВ, Б.КАМИЛОВ. Морфологические особенности маков и годовиков в низовьях Зарафшана 42

IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA

M.ISMAILOV, R.RAXMATULLAYEV, A.AKBARALIEV. Suv omborlarida yassi zatvorni boshqarishning mikroprotessorli tizimi 43

М.ИКРАМОВА, Д.АЛЛАЁРОВА, А.ХОДЖИЕВ, И.АХМЕДХОДЖАЕВА. Қоратепа сув омбори иш режимининг лойқа босишига таъсири 45

И.ИБРАГИМОВ, Д.ИНОМОВ, М.МИРЗАЕВ, И.МАХМУДОВ. Рекомендации по улучшению пропускной способности русла р.Амударья между гидроузлами Тюямуюн-Тахиаташ 50

И.ИБРАГИМОВ, Д.ИНОМОВ, М.МИРЗАЕВ, У.ЗИЁДУЛЛАЕВ, И.МАХМУДОВ. Транспортирующая способность потока в условиях зарегулированного стока воды 52

А.ТУРЕЕВ. Значение альтернативного вида удобрения при возделывании яровой пшеницы в условиях Приаралья 54

С.РУСТАМОВ, С.РУСТАМОВ, З.ОЧИЛОВ. Республикамизнинг лалмикор ерлари муҳофазаси 55

СОЯ НАВЛАРИНИ ТУРЛИ УСУЛЛАРДА ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ҲОСИЛ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида соянинг “Тошкент” ва “Мадад” навларини асосий экин сифатида етиштирилганда минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда қўлланилган суспензияларнинг дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган. Соя навларига илдиздан ташқари турли препаратлар қўллаганда ўсимликлар томонида қўшимча ҳосил шаклланиши ва сақланиб қолиши келтирилган.

Калим сўзлар: соя, агротехника, асосий экин, препарат, минерал ўғитлар, ҳосилдорлик, нав, суспензия, озиқлантириш.

Аннотация. В данной статье изучено влияние минеральных удобрений и внесенных суспензий на урожайность зерна при выращивании сои сортов «Ташкент» и «Мадад» в качестве основной культуры на светло-сероземах Кашкадарьинской области. Дополнительное формирование и сохранение урожая на стороне растений при внесении различных препаратов, кроме корневых, к сортам сои.

Ключевые слова: соя, агротехника, основная культура, препарат, минеральные удобрения, урожайность, сорт, суспензия, подкормка.

Abstract. This article studies the effect of mineral fertilizers and applied suspensions on grain yield when growing soybeans of the Tashkent and Madad varieties as the main crop on light gray soils of the Kashkadarya region. Additional formation and preservation of the yield on the side of plants when applying various preparations, except for root ones, to soybean varieties.

Keywords: soybean, agricultural technology, main crop, preparation, mineral fertilizers, yield, variety, suspension, top dressing.

Кириш. Дунё бўйича 70 млн гектардан зиёд майдонда соя етиштирилади. Ундан 400 га яқин турли хил маҳсулот олинади. Бу экин атмосферадаги эркин азотни биологик азотга айлантириб тупроқ экологиясини яхшилайтиди. Соя уруғлари нитрагин ва бошқа препаратлар билан ишланганда ҳосилдорликнинг кескин ўзгариши исботланган. Уруғлар нитрагенсиз экилганда ҳосилдорлик пасайиб кетиши қайд қилинган. Шунингдек, уруғларга ишлов бериб экиш билан биргаликда баргдан озиқлантириш ҳам ҳосилдорликнинг кескин ошишига сабаб бўлган [2, 5].

Х.Атабаева, М.Саттаров, таъкидлашча соя ўсимлигини етиштиришда минерал ўғитлар азот 50, фосфор 100 ва калий 70 кг қўлланилганда назоратга нисбатан қўшимча 6,2 ц/га дон ҳосилини олиш мумкин, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда минерал ўғитларга 1,2 кг/га олтингугурт қўшиб қўлланилганда назоратга нисбатан қўшимча 11,2-18,4 ц/га ҳосил етиштиришни таъминланган [1].

Соя ўсимлиги етиштирилганда минерал ўғитлар $N_{50}P_{100}K_{70}$ меъёрида қўлланилганда, соянинг фотосинтетик фаолияти фаоллашади, соя агротехнологиясида минерал ўғит билан бирга микроэлементларни ҳам қўллаб барг орқали озиқлантирилганда, соя ўсимлигининг дон ҳосили 6,2-14,2 ц/га ошиши таъминланган [3].

Д.С.Асилова, З.Ш.Асқарова, Д.С.Халиковалар маълумотида хулоса қилиб шуни таъкидлаганки олимлар сингари минерал ўғит нормалари ҳам оқсил миқдорини ортишига таъсир кўрсатар экан. Ўғит нормалари юқори бўлган $N_{60}P_{120}K_{90}$, $N_{60}P_{120}K_{120}$ бўлган 4 ва 5 вариантларда Ўзбек-6 навида оқсил миқдори юқори (33,5 – 36,2 %) ни, Ўзбек-2 навида (33,2 – 36,0) ни ташкил этган [4].

Натижалар ва мунозара. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борган тадқиқотларимизда соя навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари тупроққа қўлланилган минерал ўғитлар меъёрлари ва турли ўғитлар билан илдиздан ташқари озиқлантириш таъсирида ўзгариши аниқланди. Олинган натижаларга кўра, соя навларида энг паст ҳосилдорлик назорат ўғит ва суспензия қўлланилмаган

1-жадвал.

Қўшимча ҳосилнинг шаклланиши, ц/га (2022-2024 йй.)

Ўғит меъёри	Суспензия	Нав номи	Ўртача ҳосил, ц/га	Ўғит меъёрларига нисбатан		
				Ўғитсиз (назорат)	$N_{60}P_{45}K_{30}$	$N_{120}P_{90}K_{60}$
Назорат (ўғитсиз)	Назорат (ўғитсиз)	Тошкент	18,6		-9,7	-12,3
		Мадад	19,9		-10,3	-11,6
	Карбамид (андоза)	Тошкент	23,7		-12,2	-11,2
		Мадад	23,2		-10,6	-12,4
	Калифос	Тошкент	24,9		-14,0	-14,2
		Мадад	25,4		-14,0	-14,6
САКЎ	Тошкент	24,5		-11,3	-12,3	
	Мадад	25,1		-11,0	-12,7	
$N_{60}P_{45}K_{30}$	Назорат (ўғитсиз)	Тошкент	28,3	9,7		-2,7
		Мадад	30,1	10,3		-1,3
	Карбамид (андоза)	Тошкент	35,9	12,2		1,0
		Мадад	33,7	10,6		-1,8
	Калифос	Тошкент	38,9	14,0		-0,1
		Мадад	39,4	14,0		-0,6
САКЎ	Тошкент	35,8	11,3		-0,9	
	Мадад	36,1	11,0		-1,7	
$N_{120}P_{90}K_{60}$	Назорат (ўғитсиз)	Тошкент	30,9	12,3	2,7	
		Мадад	31,4	11,6	1,3	
	Карбамид (андоза)	Тошкент	35,0	11,2	-1,0	
		Мадад	35,5	12,4	1,8	
	Калифос	Тошкент	39,0	14,2	0,1	
		Мадад	40,0	14,6	0,6	
САКЎ	Тошкент	36,7	12,3	0,9		
	Мадад	37,8	12,7	1,7		

вариантда “Тошкент” навида 18,6 ц/га ни ташкил қилган бўлса, энг юқори ҳосилдорлик эса, минерал ўғитлар меъёри $N_{120}P_{90}K_{60}$ қўлланилган фонда баргдан калифос препарати қўлланилганда “Мадад” навида 40,0 ц/га ни ташкил қилди (1-жадвал).

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, соя навларини турли минерал ўғитлар фониди етиштирилганда ҳам баргдан ташқари озиклантириш муҳим аҳамият касб этиб, айниқса илдиздан ташқари озиклантириладиган калифос препарати қўлланилганда бошқа вариантларга нисбатан ҳосилдорлик “Тошкент” навида 3,0-4,0 ц/га, “Мадад” навида 4,5-5,7 ц/га юқори бўлганлиги қайд қилинди.

Минерал ўғитлар билан ўғитлаш ҳар хил бўлган фон ва турли баргдан озиклантириш препаратлари қўлланилганда соя навларида қўшимча дон ҳосилдорлиги шаклланиши таҳлил қилинганда, минерал ўғит меъёрлари ўртасида 14,0 ц/га гача, баргдан озиклантирувчи препаратлар ўртасида 10,6 ц/га гача ва навлар ўртасида 2,2 ц/га гача қўшимча ҳосил шаклланиши аниқланди.

Соя навларига тупроқдан минерал ўғитлар меъёри $N_{60}P_{45}K_{30}$ нисбатда қўлланилганда минерал ўғитлар қўлланилмаган (ўғитсиз) фонга нисбатан илдиздан ташқари озиклантириш назорат (озиклантирилмаган) вариантда “Тошкент” навида 9,7 ц/га, “Мадад” навида 10,3 ц/га, карбамид билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 12,2 ц/га, “Мадад” навида 10,6 ц/га, калифос билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 14,0 ц/га, “Мадад” навида 14,0 ц/га, САКЎ билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 11,3 ц/га, “Мадад” навида 11,0 ц/га қўшимча ҳосил шаклланиши қайд қилинди.

Минерал минерал ўғитлар меъёри $N_{120}P_{90}K_{60}$ нисбатда қўлланилган фонда ўғитлар қўлланилмаган (ўғитсиз) фонга нисбатан илдиздан ташқари озиклантириш назорат (озиклантирилмаган) вариантда “Тошкент” навида 12,3 ц/га, “Мадад” навида 11,6 ц/га, карбамид билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 11,2 ц/га, “Мадад” навида 12,4 ц/га, калифос билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 14,2 ц/га, “Мадад” навида 14,6 ц/га, САКЎ билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 12,3 ц/га, “Мадад” навида 12,7 ц/га қўшимча ҳосил шаклланиши аниқланди.

Минерал ўғитлар меъёри $N_{120}P_{90}K_{60}$ нисбатдаги фонда минерал ўғитлар меъёри $N_{60}P_{45}K_{30}$ нисбатда қўлланилган фонга нисбатан илдиздан ташқари озиклантириш назорат (озиклантирилмаган) вариантда “Тошкент” навида 2,7 ц/га, “Мадад” навида 1,3 ц/га, карбамид билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида -1,0 ц/га, “Мадад” навида 1,8 ц/га, калифос билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 0,1 ц/га, “Мадад” навида 0,6 ц/га, САКЎ билан озиклантирилган вариантда “Тошкент” навида 0,9 ц/га, “Мадад” навида 1,7 ц/га қўшимча ҳосил шаклланди.

Соя навларини назорат ўғитсиз фониди илдиздан ташқари карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 5,2 ц/га, “Мадад” навида 3,3 ц/га, калифос препарати билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 6,3 ц/га, “Мадад” навида 5,5 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 1,2 ц/га, “Мадад” навида 2,3 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 0,4 ц/га, “Мадад” навида 0,3 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида

5,9 ц/га, “Мадад” навида 5,2 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 0,7 ц/га, “Мадад” навида 2,0 ц/га қўшимча ҳосил шаклланиши аниқланди.

Соя навларини минерал ўғитлар меъёри $N_{60}P_{45}K_{30}$ нисбатдаги фонда карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 7,7 ц/га, “Мадад” навида 3,6 ц/га, калифос препарати билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 10,6 ц/га, “Мадад” навида 9,3 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 3,0 ц/га, “Мадад” навида 5,7 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 3,1 ц/га, “Мадад” навида 3,3 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 7,6 ц/га, “Мадад” навида 6,0 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 0,1 ц/га, “Мадад” навида 2,4 ц/га қўшимча ҳосил тўпланганлиги аниқланди.

Соя навларини минерал ўғитлар меъёри $N_{120}P_{90}K_{60}$ нисбатдаги фонда илдиздан ташқари карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 4,0 ц/га, “Мадад” навида 4,1 ц/га, калифос препарати билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 8,1 ц/га, “Мадад” навида 8,6 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 4,1 ц/га, “Мадад” навида 4,5 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 2,3 ц/га, “Мадад” навида 2,2 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилган вариантда баргдан озиклантирилмаган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 5,8 ц/га, “Мадад” навида 6,4 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилган вариантга нисбатан “Тошкент” навида 1,8 ц/га, “Мадад” навида 2,3 ц/га қўшимча ҳосил шаклланиши аниқланди.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида соянинг “Тошкент” нави ҳосилдорлиги “Мадад” нави ҳосилдорлигига нисбатан юқори бўлди. Жумладан, тупроқдан минерал ўғитлар қўлланилмаган ҳамда баргдан ҳам озиклантирилмаган (назорат) вариантда 1,3 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилганда 0,6 ц/га, калифос препарати билан озиклантирилганда 0,5 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилганда 0,6 ц/га, минерал ўғитлар меъёри $N_{60}P_{45}K_{30}$ нисбатдаги фонда баргдан ташқари озиклантирилмаган (ўғитсиз) вариантда 1,9 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилганда 2,2 ц/га, калифос препарати билан озиклантирилганда 0,5 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилганда 0,3 ц/га, минерал ўғитлар меъёри $N_{120}P_{90}K_{60}$ нисбатдаги фонда баргдан ташқари озиклантирилмаган (ўғитсиз) вариантда 0,5 ц/га, карбамид ўғити билан озиклантирилганда 0,6 ц/га, калифос препарати билан озиклантирилганда 1,0 ц/га, САКЎ препарати билан озиклантирилганда 1,1 ц/га юқори ҳосил шаклланиши аниқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида минерал ўғитлар меъёри $N_{60}P_{45}K_{30}$ нисбатда қўллаб, илдиздан ташқари калифос препарати билан озиклантирилганда бошқа вариантларга нисбатан ҳосилдорлик “Тошкент” навида 3,0-4,0 ц/га, “Мадад” навида 4,5-5,7 ц/га гача юқори ҳосил шаклланиши таъминлайди.

Шунингдек, олиб борилган тадқиқотларда соя навларининг ҳосилдорлигига энг катта таъсир этувчи омил минерал ўғитлар меъёри бўлиб, минерал ўғит меъёри $N_{120}P_{90}K_{60}$ нисбатда қўлланилганда энг юқори ҳосилдорликка эришилади. Жумладан, минерал ўғит қўлланилмаган ўғитсиз фонга нисбатан 11,2-14,6 ц/га, минерал ўғит меъёри $N_{60}P_{45}K_{30}$ нис-

батда қўлланилганга нисбатан 0,1-2,7 ц/га гача юқори ҳосил тўпланади.

Акбар АБДУАЗИМОВ, к/х.ф.ф.д.,
Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти,
Ситора ХОДИЕВА, таянч докторант,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Х, Саттаров М. Соя ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитлар ва олтингургуртнинг таъсири // "Агро илм" журнал, 2019. №4. – Б. 36.
2. Ёрматова Д., Тангинова Г. Сояга нитрагин таъсири // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" Тошкент, 2006. №7. – Б. 20.
3. Умарова Н, Саитканова Р, Идирсов Х., Соянинг фотосинтетик фаолияти ва ҳосилдорлигига микроэлементларнинг таъсири // "Агро илм" журнали. 2013. №4. – Б. 40.
4. Асилова Д.С., Асқарова З.Ш., Халикова Д.С., "Соя навларининг уруғ таркибидаги оқсил ва ёғ миқдорига ўғит нормаларининг таъсири" // ТошДАУ Селекция ва уруғчилик соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент – 2014. – Б. 23-24.
5. Кўлдошов Б.Х., Халилов Н., Ҳамзаев А.Х. Соя экиннда турли штампли инокулянтларнинг самарадорлиги // "Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2020. – Б. 63-64.

ЎЎТ : 633:11, 631:52.

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ТРИТИКАЛЕНИНГ ЭРТАПИШАР МАНБАЛАРИНИ ТАНЛАШ

Аннотация. Мақолада Тошкент вилояти шароитида, тритикаленинг жаҳон генофондида мавжуд намуналарини тадқиқотларга жалб этган ҳолда, глобал иқлим ўзгариши шароитига мослашган, эртапишар намуналарини танлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари намоён қилинган.

Калим сўзлар: селекция, намуналар, иқлим, эртапишар, генофонд, глобал, танлаш, тритикале.

Аннотация. В статье показаны результаты исследований по отбору раннеспелых образцов, адаптированных к условиям глобального изменения климата, в Ташкентской области с привлечением образцов, имеющихся в мировом генофонде тритикале.

Ключевые слова: селекция, образцы, климат, ранний, генофонд, глобальный, перспективный, тритикале.

Abstract. In the article, the results of the research on the selection of early-season samples, adapted to the conditions of global climate change, are shown in the Tashkent region, involving the samples available in the global gene pool of triticale.

Keywords: selection, samples, climate, early, gene pool, global, selection, triticale.

Кириш. Глобал иқлим ўзгаришлари инсоният олдида турган энг жиддий муаммо экани жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган.

Ер юзидан ўртача ҳарорат 1°C дан юқорига кўратилиши қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда салбий таъсир кўрсата бошлади. 1980 йилдан иқлим ўзгариши глобал даражада қайд этиш бошлангандан буён 2017 йил ҳолатига кўра, таҳлил қилинганда, ер сайёрасининг ҳарорати 1°C га ошганлиги аниқланган. Бу рақам сезиларли эмасдек кўриниши мумкин, аммо унга сайёрадаги ўртача кўрсаткич сифатида қарайдиган бўлсак, ўзгариш катта эканлигини, оқибатда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳосилдорликнинг пасайиб боришига сабаб бўлмоқда. Агарда глобал иқлим ўзгариши хусусан исиниш давомли кузатилса, олимлар сайёрада ўртача ҳароратнинг 4°C га ошишини башарот қилмоқда. Бу эса қуруқчиликка экин майдонларининг камайишига ва ўз-ўзидан қирғоқчиликни келтириб чиқаради.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида чорва моллари учун ем-хашак етиштириш, бунинг учун истиқболли экин турларини аниқлаш, булар асосида иқлим шароитларга мослашувчан, қимматли хўжалик белгиларига эга, дон ва ем-хашак ҳосилдорлиги юқори, эртапишар манбаларни танлаш муҳим

ахамиятга эга ҳисобланади. Бу борада тритикале экинидан кенг фойдаланиш қимматли хўжалик белгиларига эга, эртапишар навларини танлаш булар асосида янги навларини яратиш лозим.

2010 йилда кузги тритикаленинг экин майдони дунёда 5 млн гектарга, баҳорги тритикаленинг 1,0 млн гектарда экилганлиги бўйича маълумотлар мавжуд. Тритикале экиладиган майдон Европада 2,5 млн гектардан ошган, шундан Полшада 1,5 млн гектарни ташкил этган [2].

Тадқиқот услублари ва объекти. Тадқиқотларда тритикаленинг эртапишар манбаларни танлаш бўйича изланишлар 2023-2024 йилларда Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институтининг тажриба далаларида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида 110 та жаҳон генофондида мавжуд нав ва намуналардан фойдаланилди.

Тажрибаларни экиш октябрь ойининг 1 ўн кунлигида амалга оширилди. Нав намуналар селекция кўчатзоридан 1 м^2 майдончаларда, уруғ меъёри 350 дона ҳисобида экилди. Андоза нав сифатида Норман нави олинди.

Тажрибада кузатиш, ҳисоб ва таҳлиллар Бутун Россия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги бўйича [1] ва биометрик таҳлиллар қишлоқ хўжалик экинлари Давлат